

«Сабр» тушунчаси | Тазкия дарслари (280-дарс)

ТАЗКИЯ
280-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



19:00 / 05 май 1180

هُلِّلَا يَلَّصِ هَلِّلَا لُؤْسَرَلَا ق
أِذَا مَلُسُمْلَا «: مَلَسَوِ هِيَلَع
رُبُصَيَّوَسَّانَلَا أَطِلَاخُمَ نَاك
مَلُسُمْلَا نَمُزِيخُ مُهَادَا يَلَع
الْوَسَّانَلَا طِلَاخِي آلَ يَدَّلَا
هُوَرُ. «مُهَادَا يَلَعُ رَبُّصَي
يَذِمُّرَّتَلَا

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамларга аралшиб, уларнинг озорларига сабр қилган мусулмон одамларга аралашмайдиган ва озорларига сабр қилмайдиган мусулмондан яхшидир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Бу ҳадисдан одамларнинг озоридан қўрқиб, уларга аралашмай қўйиш дуруст эмаслиги маълум бўлади. Одамларга аралшиб, уларнинг озорларига сабр қилган одам савоб олади. У ўша аралashiши давомида уларга яхшилик ҳам қилиб юрган бўлади. Одамларга аралашмаган киши эса кўпчиликка фойда етказишдан бош тортган бўлиши мумкин.

هُلِّلَا يَضَرُّهُ لَلَا ذُبَعَلَاق
هُلِّلَا لُؤْسَرِ يَلَعُ تُلَخَدُ هُنَع
وَهُوَ مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلِّلَا يَلَص
لُؤْسَرِ أَيُّ تُلُقَفُ كَعُوي
أَكُعُ وَكَعُؤْتَلُ كُنَا هَلِّلَا
كَعُؤَا يُّنَا لَجَا» : لَاق ، أَدِي دَش
، «مُكُنْمِ نَالُجَرُ كَعُوي أَمَك
؟ نِي رَجَا كَلُّ نَأَكِلَذَا تُلُق
نَمِ أَمَكِلَذَا ، كِلَذَا لَجَا» : لَاق

عَ كُ وَش ، يَ دَا هُ بِي صِي مِ لُسُ مِ
هَلَلَا رَّفَكَ إِلَّا أَهَقُ وَفَ أَمَف
طُحَّتْ أَمَكَ ، هِتْ أَيُّ يَسِ أِهِ بِ
هَ أَوْر . «أَهَقَرَوُ عَرَجَّ شَلَا
بِنَاخِيَّ شَلَا

«Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирсам,
у зот беморликдан қийналаётган эканлар.

«Эй Аллоҳнинг Расулули, сиз беморликдан қаттиқ қийналяпсиз-ку?!»
дедим.

«Шундай. Албатта, мен беморликдан сизлардан икки кишининг
қийналганича қийналаман», дедилар.

«Сизга икки ҳисса ажр бўлиши учун шундайдир-да?» дедим.

«Ҳа, шундай. Шунингдек, қай бир мусулмонга бирор мусибат етса -
бирор тикан кирса ёки ундан кичикроқ бўлса ҳам, албатта, Аллоҳ
унинг сабабидан ўша банданинг ёмонликларини худди дарахт ўз
баргларини тўкканидек тўқади», дедилар у зот».

Икки шайх ривоят қилишган.

يَضَرُّ يَرْعُ شَأْلًا لِكُلِّ أَمٍّ يَبَا نَع
ثِي دَحِيْفٍ - لَأَقُ هُنَّ هَلَلَا

هَلْ لَ الْوَسْرَ لَاقِ : - لِي وَط هَؤَرَ . «...ءَايَضُ زُبَّصَلَاو...» يِ ذِمَّرْتَلَاوُ مَلْسُمُ يِئْأَسْنَلَاوُ

Абу Молик ал-Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилган узун ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам жумладан:

«...**Сабр зиёдир**...», дедилар».

Муслим, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Зиё – бир жисмнинг ўзидан чиққан ёруғликдир. Мисол учун, қуёшдан чиққан ёруғлик зиё дейилади.

Бир жисм ўзидан бошқадан олган ёруғликни қайтариб чиқарса, бу нур дейилади. Мисол учун, ой қуёшдан олган ёруғликни қайтариб таратгани учун ой нури дейилади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «**У қуёшни зиё, ойна нур қилган Зотдир**», деган. Зиё нурдан кучли бўлади.

Сабрнинг зиё бўлиши шундаки, аввало инсон сабр ила маъсиятлар зулматидан чиқади. Қолаверса, сабр бора-бора мўмин инсоннинг қалбидаги зиёга айланади. Чунки Аллоҳ таолонинг дини ва тоати йўлидаги қийинчиликларга сабр қиладиган одамнинг қалбида зиё пайдо бўлади. Ўша зиё ибодатлар ва турли машаққатларнинг янглиш йўлини ёритиб, тўғри йўл танлашига ёрдам беради.

Шунингдек, сабрнинг зиёси мўмин кишига қабрида ҳам, қиёмат кунида ҳам фойда беради.

Кўпчилик орасида «сабр» тушунчаси нотўғри талқин қилинади. «Сабр» деганда, биров томонидан қилинган зулмга жавоб бермай, жим туриш тушунилади. Аслида бу сабр эмас, қўрқоқликдир. Сабр эса ижобий

тушунчадир.

Исломда «сабр» дейилганда, аввало иймон-эътиқод, дину диёнат йўлидаги қийинчиликларга сабр қилиш, Аллоҳ таолонинг амрини бажариш, қайтарганларидан қайтишга нафсни мажбур қилиб, чидатиш тушунилади.

«Сабр» деганда, Аллоҳ таолонинг калимаси ер юзида ҳамма калималардан устун бўлиши учун кураш қийинчиликларига дош бериш назарда тутилади. Бутун дунёни Ислом дини адолатидан баҳраманд қилиш учун олиб бориладиган даъват машаққатларига чидаш, ҳалол, пок юриш, яшаш ва ишлаш қийинчилигига чидашни «сабр» дейилади.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.